



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGINING
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар
тақдим этганлик учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги ПҚ–3200-сон “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2017 йил “29” декабр
72 -сон



П. Бобожонов

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил “29” декабр
190 -сон



Д. Кучкаров

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг
2017 йил 29 декабрдаги
72, 190-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони
ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга
хоналар такдим этганлик учун
ТАРИФЛАР**

1.	2 кишилик хонага суткалик тўлов учун	Ўзбекистон Республикасида белгиланган ЭНГ кам иш ҳақининг 5%
2.	3 кишилик хонага суткалик тўлов учун	Ўзбекистон Республикасида белгиланган ЭНГ кам иш ҳақининг 10%
3.	4 кишилик хонага суткалик тўлов учун	Ўзбекистон Республикасида белгиланган ЭНГ кам иш ҳақининг 15%

Изоҳ:

1. Мазкур тарифлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларидаги (бундан буён матнда муассаса деб юритилади) маҳкумларнинг яқин қариндошларига узоқ муддатли учрашувлар учун хоналар такдим этишда сарфланган харажатларни қоплаш учун ундирилади.

2. Тариф асосида тўловлар:

маҳкумлардан;

16 ёшгача бўлган (шу жумладан 16 ёшга тўлган) болалардан (агар болалар бошқа катта ёшдаги шахслар билан бирга келмаган бўлса);

I-гурӯх ногиронлиги бўлган шахслардан;

кам таъминланган оилалардан бўлган шахслардан (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кам таъминланган оила тўғрисидаги маълумотномаси асосида) ундирилмайди.

3. Тариф асосида ундирилган тўловлар узоқ муддатли учрашувлар хоналарини жорий ва капитал таъмирлаш, асосий воситалар ва товар моддий бойликларини, хўжалик инвентарларини харид қилиш (электр таъминоти, иситиш иссиқлик таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, маиший чиқиндиларни олиб чиқиш учун тўланадиган тўловлардан ташқари) харажатларни ўз ичига олади.

4. Тариф асосида ундирилган тўловлар муассасанинг ривожлантириш жамғармасида жамланади ва мазкур изоҳнинг 3-бандида кўрсатилган харажатларга ишлатилади.

5. Мазкур тарифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида ҳамда муассасаларда узоқ муддатли учрашувларга келган шахслар учун қулай ва кўринадиган жойларга жойлаштирилади.

